

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Утепов Дилмурод Шералиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, майор

A R T I C L E I N F O.

Таянч сўзлар: “Авесто”, тазийк, зўравонлик, аёл, оила, ҳуқуқий асос, ҳуқуқбузарлик, жиноят.

Аннотация

Ушбу мақолада қадимги тарихий манбаларда жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номусини улуғлаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фояси, оила, Аёллар учун тинчлик ва хавфсизлик глобал индексининг (WPS), тазийк ва зўравонликка учраган аёлларни ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, масалари ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2024 LWAB.

Шарқ мутафаккирларининг бизларга қолдирган бой илмий-маданий меросларида ўзбек халқининг оила-турмуш қоидалари, ундаги катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги маданият, айниқса, эр-хотин муносабатлари тўғрисидаги инсон тарбиясида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган фикр-мулоҳазалар, таълимотлар мавжуд. Мазкур муаммо буюк алломаларимиз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилган¹.

Зеро, азалдан инсонни ҳурмат қилиш ва улуғлаш халқимиз табиатига хос миллий қадриятдир. Қадимги тарихий манба – зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номусини улуғлаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фояси ўз аксини топган.

Ушбу нодир манба инсоният ва илм-фан тараққиёти ҳамда инсоний қадриятларнинг ривожланишига ўзининг бетакрор хиссасини қўшган. “Авесто”да жиноят ва жазо, оила-никоҳ муносабатларига, бу муносабатлар жараёнидаги инсоннинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган.

Жиноят содир этиш оғир гуноҳ эканлиги, ундан сақланиш фояси муқаддас ислом динида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, хусусан, инсон ҳуқуқларига даҳлдор кўплаб қоидалар мавжуд². Чунки ислом динида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, шаъни, обрўси, қадр-қиммати бирламчи қадрият сифатида тан олинган. Оила, қариндош уруғ, эр-хотин ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларда раҳм-шафқатли бўлиш масалалари алоҳида ўрин

¹ Файзиева М., Жабборов А. Оиlavий муносабатлар психологияси. – Т., 2007. – Б. 7.

² Инсон ҳуқуқлари: Дарслик /О Ҳусанов, О.Каримова, X.Азизов ва бошқ. – Т., 1997. – Б. 16.

эгаллайди.

Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳодисаси ниҳоятда мураккаб ва унга қарши амалий курашиш қийин. Зўравонликнинг мақсади – аёлларнинг хатти-ҳаракатларини қўркувга асосланган ҳолда назорат қилишдир. Барча зўравонлик ҳолатларида эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар мавжуд бўлиб, аёлларга нисбатан зўравонлик билвосита, бевосита ва индивидуал амалга оширилади. Эркаклар фойдасига куч номутаносиблиги мавжудлиги индикатор сифатида зўравонликка дучор бўлишига олиб келади. Аёлларга нисбатан зўравонлик, уларнинг ҳаёти, соғлиги, таълим олиши, жисмоний ривожланиши, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда иштирок этиш каби асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган муҳим ижтимоий-ҳуқуқий муаммодир.

Маълумки, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Бу борадаги муаммоларни ўрганиш, илмий тадқиқ этиш бугунги кундаги ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги тажовузкорликда намоён бўлади. Бу ҳолат хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик доирасида турлича тажовузкор хулқ-атворда намоён бўлади.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликларнинг криминологик тавсифи, сабаби, шарт-шароитлари, табиати, ижтимоийлиги ва белгилари ҳақида жиноятга оид ҳуқукий ва криминологик адабиётларда турлича тушунчалар берилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар аксарият ҳолларда зўрлик ишлатиш шаклида содир этилиб, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бир қатор илмий ва юридик адабиётларни таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш шуни кўрсатадики, фанда ҳанузгача “зўрлик” ва “зўравонлик”ка оид ягона тушунча мавжуд эмас. Гарчи, “зўрлик” ва “зўравонлик” тушунчаларига турли соҳа мутахассислари томонидан эътибор қаратилган бўлса-да, бу ҳақда ягона тўхтамга келинмаган.

Зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши³ ёхуд шахснинг конституция билан кафолатланган шахсий дахлсизлиги бузилишига сабаб бўладиган, бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказишидир⁴.

Баъзи бир адабиётларда зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, куч ишлатиш йўли билан зўрлаши, жабр-зулм қилиши сифатида келтирилган. У инсонни жисмоний ва маънавий зўрлаш ёхуд жабр-зулм қилиш шаклида намоён бўлади⁵.

Зўравонлик – қонун билан тақиқланган маънавий, руҳий ва жисмоний зарап етказувчи ҳаракатларни шахс ҳоҳиш иродасига қарши равишда амалга ошириш⁶. “Зўравонлик” зўравонларга хос хатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш, ўзгаларга ноқонуний равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи, жисмоний бақувватлик, кучлилик, улканлик, шиддатлилик⁷ деб эътироф этилади. Айтиш жоизки, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар айнан оилада содир этилиб, инсоннинг ихтиёри ва эркига зид равишда жисмоний куч ишлатиш ёхуд руҳий таъсир этиш орқали амалга оширилади.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар шахсга қарши ноқонуний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, мажбур қилиш, таъсир кўрсатиш, ўз ҳукмронлигини ўтказиш каби белгилар орқали ифодаланади. У асосан жисмоний ёки руҳий кўринишда бўлиши мумкин. Руҳий зўравонлик эса кўп ҳолларда қўрқитиш (бир шахсни иккинчи бир шахс томонидан қўрқитиб бўйсундириш,

³ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т., 2009. – Б. 199.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. – Т., 2002. – Б. 47.

⁵ Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 171.

⁶ Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари психологияси: Ўкув кўлланма. – Т., 2008. – Б. 405.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т., 2009. – Б. 167–168.

ўзини кўрсатиш ёхуд ўзига қарам қилиш) шаклида ифодаланади. Руҳий зўравонлик асабийлашишнинг маҳсулни бўлиб, бир шахсни қўрқитиб ўзига бўйсундириш, унинг “ихтиёрига зид” ёки “тарбиялаш” мақсадларида қўлланилиши ҳам мумкин. У айбордога унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига нисбатан бевосита қўлланилишида намоён бўлади. Жиноят ҳукуқи нуқтаи назаридан ҳар хил оғирлик даражасида баданга шикаст етказиш, калтаклаш ва бошқа жисмоний куч ишлатишни жисмоний зўравонлик деб баҳолаш лозим.

Бизнинг фикримизча, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар жисмоний куч ёки қўрқитиши билан амалга ошириладиган жиноий фаолиятдир. Бунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилиш орқали ҳукуқ ва эркинлиги поймол этилади. Мазкур ҳолатда, таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар оқибатидаги жисмоний таъсир қўрсатувчи зўравонлик ҳаракатлари қаторига, назаримизда, инсон баданига куч билан таъсир қилишининг ҳар қандай усули, яъни зарба беришда ифодаланмайдиган хатти-ҳаракатларни ҳам киритиш лозим. Масалан, сочдан тортиш, қўлни оғритиб ушлаш, тананинг бирор қисмини қисиши, оғриқ бериш, итариб юбориш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”⁸ деган сўzlари ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш, уни таҳлил этиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 36 миллиондан ошди, уларнинг қарийб 16 миллион нафарини айнан вояга етмаганлар ташкил қиласди. Улар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Азалдан юртимизда фарзанд дунёга келганидан бошлаб, то камолга етгунига қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касбхунар эгаллашига, умуман етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида: “Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди”⁹ деган фикрлари ҳам сўзимизни яна бир бор исботлайди. Вояга етмаганларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм, «коммавий маданият», зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қиласди. Афсуски, ҳозирда вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг барча турлари содир этилмоқда.

⁸. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // <http://uza.uz>

⁹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва аҳлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг **40 фоизи**, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасдан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккизтадан биттаси айнан **оила-турмуш соҳасида** содир этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда»¹⁰ деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида **«Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр - қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш, эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги»**¹¹ эътироф этилган. Бугунги кунда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Хусусан, ҳар йили **аёлларнинг 38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар** оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага, Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда¹².

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатдаги гендер тенглиги даражаси ва оиладаги зўравонлик даражаси ўртасида тўғридан-тўғри ва сезиларли боғлиқлик мавжуд бўлиб, гендер тенглиги камроқ бўлган мамлакатларда оиладаги зўравонлик кўпроқ содир бўлади.

Аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, уларга кўплаб соҳаларда имтиёзлар беришни назарда тутувчи бир қатор норматив-ҳуқукий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳамда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориши, уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилганлиги қайд этилди. Юртимизнинг ноёб маданий мерос обиектларини, қадамжоларни кўриш, зиёрат қилиш учун дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан сайёҳлар келишади. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хотин-қизларга бўлган муносабат тобора юксалиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бугуннинг бош мавзусига айланди. Ўзбекистон аёллари барча жабҳаларда ўз ўрни ва муносиб мавқеига эга бўлишига улгурди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимларининг 77 фоизи хотин-қизлар экани маълум қилинди. Айтилишича, 2 000 нафарга яқин аёллар давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик қилмоқда.

Бугун жамият учун жуда оғриқли бир масала бор. Бу оила ажralиши. Таҳлилларга мурожаат қилинса, жорий йилнинг 8 ойида Ўзбекистонда 33 мингдан ортиқ оила ажрашган. Бу ҳақда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси маълумотларига таяниб, ЎзА маълум қилди. Қайд этилишича, мамлакатдаги оилавий ажрашишлар сабаб, жорий йилнинг ўтган 8 ойида 25 минг нафарга яқин

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласи. // Ҳалқ сўзи. –Т., 2017 йил. 16 июнь.

¹¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси // <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

¹² <http://www.maailmakool.ee/wp-content/uploads>.

болалар ота ёки онанинг тўлиқ меҳридан бебаҳра қолмоқда. Оила ва хотин-қизлар қўмитасига кўра, оилавий ажримларнинг асосий қисми, эр-хотиннинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, фарзандсизлик, учинчи шахс аралашуви, узоқ вақт бирга яшамаганлик, молиявий қийинчиликлар, хиёнат, спиртли ичимликлар ва гиёхванд моддалар истеъмоли сабабли келиб чиқкан¹³. Оилавий ажримлар юқорида қайд этилган сабаблар билан содир бўлаётган бўлса, бизлар нима билан бандмиз? Нега чуқур таҳлиллар қилинмаяти, аниқ самара берувчи йўналишлар белгилаб олинмаяпти? Ҳамма шоҳона кабинетларда, олдин бўлмаган “Малибу” автоуловларида, штатлар қўпайган, моддий-техника базаси юқори даражада таъминланган шароитларда ишлайяпти. Бироқ самара йўқ, нега бизнинг ўрнимиз, қилаётган ишларимиз кўринмаяпти? Қани ташаббускорлик, қани янгича ёндошув ёки ғоялар? Ҳеч нарса йўқ! Фуқаролик жамиятлари билан нега ҳамкорлик ҳақида ўйламаяпмиз? Ваҳоланки оилалар бузилиши йилдан-йилга қўпайяпти.

Биз бу масалада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиқда жиддий ишларни ташкил қилишини, реал ишловчи Жамоатчилик Кенгашларининг тузилишини, унда мазкур масалаларда ҳаётий тажрибаси, хуқуқий билими бўлган инсонлар тўпланишини ва иш фаолияти доимийликка асосланишини тавсия этган бўлардим.

Ижтимоий тармоқлардаги ОАВ маълумотларига кўра Марказий Осиёда аёллар учун энг хавфли давлатлар қайсилар эканлигини биласизми? Peace and Security Women Index (WPS Index) икки йилда бир марта эълон қиласидан рейтингга кўра, Қирғизистон ва Ўзбекистон Марказий Осиёда аёллар учун энг хавфли давлат деб топилган. Аёллар учун тинчлик ва хавфсизлик глобал индексининг (WPS) сўнгги рейтингига кўра, Ўзбекистон 177 мамлакат орасидан 94, Қирғизистон эса 95-ўринни эгаллади.

Хисоботда айтилишича, қирғиз аёлларининг 13 фоизи, ўзбек аёлларининг эса 7,3 фоизи яқинлари томонидан зўравонликка учраган. Туркманистон энг юқори рейтингга эга – рейтингда 58-ўрин, Туркманистондан бир сатр юқоридан Россия ўрин олган. Қозогистон 80-ўринда, Тоҷикистон 90-ўринда. Умуман олганда, ўн уч тоифадаги аёлларнинг аҳволини баҳолайдиган глобал рейтингта 177 та давлат киради. Юқорида Норвегия, Дания, Финляндия, Исландия, Швеция, Швейцария, Люксембург, Австрия, Нидерландия ва Янги Зеландия бор.

Аёллар учун энг хавфли давлатлар Жанубий Судан, Конго, Марказий Африка Республикаси, Афғонистон ва Яман¹⁴.

Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев 2023-йил 20-сентабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида нутқ сўзлади ва бунда гилобал ва минтақавий кун тартибидаги енг долзарб масалалар ечимиға қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан мамлакат “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хотин-қизлар” тузилмаси билан ҳамкорликни янада кучайтиришдан манфаатдорлигини таъкидланиб, биргаликдаги ташаббус сифатида аёлларни бунёткорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмасиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш таклиф қилинди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятида хотин-қизлар хуқуқини ҳимоя қилиш мамлакатимизда нечоғлик муҳим аҳамиятга ега еканлигини яна бир бор исботлаб берди.

Халқимиз орасида ҳар қандай буюк эркакнинг ортида буюк аёл туроди деб бежизга айтилмаган. Интеллекти юқори аёл албатта буюк фарзандларни камолотга эриштиради. Отадан қон, жисм ўтада, аммо тафаккур кўпроқ онадан ўтади. Интеллектуал ўткир билимга, тафаккурга эга, фаросатли аёллар ўз умр йўлдошларини бевақт йўқотганларida ҳам, ёки турмуш ўртоғининг разил инсон бўлиб чиқишидан қатъий назар, барibir ўз ҳаёт йўлларини топиб кета оладилар. Чунки бундай аёллар ўз оилаларини иқтисодий-маънавий жихатдан кўргон каби ҳимоялаш ва

¹³ <https://qalampir.uz/news/8-oy-ichida-25-ming-nafarga-yak-in-bola-ota-onasiz-yashashga-mazhbur-buldi-91227>

¹⁴ <https://daryo.uz/k/2023/10/28/turkmaniston-markaziy-osiyodagi-ayollar-uchun-eng-xavfsiz-davlat-deb-topildi>

тик ушлаб туриш йўлларини излаб топадилар.

Ўзингизнинг истеъдодингизни, билимингизни намоён қилишдан, янги ғояларингизни амалга оширишдан ҳеч қачон қўрқманг, эски стреотиплардан баралла воз кечинг. Кир ювуш ва овқат қилишни истаган пайтда ўрганиб олиш мумкиндири, аммо бошни билимга, тафаккур ва зарур кўнилмалар билан тўлдиришга кейин кеч бўлиши мумкин. Барча аёлларимиз Ҳадича онамиздек оқила ва солиха бўлишларини ва худди шунингдек, экакларимиз Пайғамбаримиз Соллаллоҳу Алайхи Васалламдек зукко, зеҳнли, мулоийм ва ибодатли бўлишларини Аллоҳдан сўраб қоламиз!

Аёлларимиз ўз турмуш ўртоклари учун кўп ишларга қодир. Жумладан, улар ўз фамилиясини ўзгартиради, иссиқ уй-жойини ўзгартиради, сиз билан бошқа уйга кўчади, сиз билан бир ўчоқ қуради, сизга фарзанд туғиб бериш учун ҳомиладор бўлади, ҳомиладорлик унинг ташқи ҳуснини олиб, вужудини ўзгартиради, танадаги шишлар, чидаб бўлмас тўлғоқ азоби, икки йўл орасида қолиб, митти мўжизани – чақалоқни дунёга келтиради, туғилган чақалоқ эса сизнинг наслингизни давом эттиради, ўладиган кунига қадар қиласидан барча иши, егуликлар пишириш, уйингизни чиннидек тозалаш, онангиз ва отангизнинг хизматида бўлиш, фарзандларингизни катта қилиш, тарбия бериш, сизнинг феълингизга мослашиш, кўнглингизни олиш, инжиқликларингизга қўниши, ҳузурингизни таъминлаш, бутун оила муносабатларини бир маромда ушлаб туриш ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, минг йиллар давомида дунёнинг турли бурчакларида иқтисодий, маданий, диний ва бошқа ижтимоий омиллар таъсирида оила таркиби ва унинг фаолияти шаклланди. Хусусан, оилада эрнинг хотини устидан ҳукмонлиги ҳозиргача қарор топиб келмоқда. Лекин, бугунги кунга келиб, оилада эркакларнинг ҳукмонликлари оқибатида аёлларга нисбатан зулмкорлик, тажовузкорлик, бир сўз билан айтганда хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар натижасида оғир жиноятларнинг содир этилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Қадимдан эъзозланиб келинаётган аёл зотини бугунги кунда қадри беқиёс ҳисобланмоқда. Шу боис, амалда жорий этилган ҳуқуқий асосларнинг мазмун моҳиятини барча бирдек билиши ва тушуниши муҳим. Шундай экан, ҳеч ким хотин-қизларни таҳқирлашга, ҳуқуқларни поймол этишга ва уларнинг эркинликларини чеклашга ҳақли эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. – Т., 2007. – Б. 7.
2. Инсон ҳуқуқлари: Дарслик /О Ҳусанов, О.Каримова, Х.Азизов ва бошқ. – Т., 1997. – Б. 16.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т., 2009. – Б. 199.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. – Т., 2002. – Б. 47.
5. Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 171.
6. Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари психологияси: Ўқув қўлланма. – Т., 2008. – Б. 405.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2009. – Б. 167–168.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // <http://uza.uz>
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

10. *Мирзиёев Ш.М.* Ватанимиз тақдери ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик. // Ҳалқ сўзи. –Т., 2017 йил. 16 июнь.
11. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси // <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
12. <http://www.mailmakool.ee/wp-content/uploads>.
13. <https://qalampir.uz/news/8-oy-ichida-25-ming-nafarga-yak-in-bola-ota-onasiz-yashashga-mazhbur-buldi-91227>
14. *Гадоймиродов Б.О.* Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг жамиятда бўлишини тақозо этувчи омиллар таҳлили <https://daryo.uz/k/2023/10/28/turkmaniston-markaziy-osiyodagi-ayollar-uchun-eng-xavfsiz-davlat-deb-topildi> //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 178-184.
15. *Эгамбердиев В.О.* “Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлардан жабрланган шахсларнинг виктимологик тавсифи” онлайн “Международный научный журнал” «Научный Фокус» № 1(100), часть 3 май, 2023 йил, 598-609-б.
16. *Гадоймиродов Б.О.* Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 19-22.